

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМУМИНОВ ШЕРЗОД ТЎЙЧИЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ТИЗИМИДАГИ  
ЯДРО-ПЕРИФЕРИЯ АЛОҚАЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-  
СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Нормўминов Шерзод Тўйчиевич**

Ўзбек тили сўз туркумлари тизимидаги ядро-периферия алоқаларининг  
функционал-семантик тадқиқи ..... 5

**Нормуминов Шерзод Туйчиевич**

Функционально-семантическое изучение ядро-периферийных отношений в  
системе частей речи узбекского языка..... 21

**Normuminov Sherzod Tuychiyevich**

Functional-semantic studies of core-periphery relations of system of Parts of  
Speech of Uzbek language ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМУМИНОВ ШЕРЗОД ТЎЙЧИЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ТИЗИМИДАГИ  
ЯДРО-ПЕРИФЕРИЯ АЛОҚАЛАРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-  
СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil687 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилди.

**Илмий раҳбар:**

**Элтазаров Жўлибой Данабоевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Абдуғафур Эшонқулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Искандарова Шарифа Мадалиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» декабр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «3» декабр куни тарқатилди.  
(2020 йил «3» декабр даги 5-рақамли реестр баённомаси).



**М.Қ.Мухиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**А.Б.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.д.

**Маматов**

**А.Э.Маматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўз туркумлари парадигмасида юз берадиган функционал-семантик жараёнлар, уларнинг тил тараққиёти ҳамда амал қилинишидаги аҳамиятини очиб бериш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Шу нуктаи назардан қараганда сўз туркумлари парадигмасидаги ядровий ва перифериал қисмлар, уларнинг шаклланиши ва тараққиёти, функционал-семантик хусусиятларини замонавий тадқиқот усуллари билан текшириш бу йўналишда шу вақтгача амалга оширилган илмий изланишларнинг ракурсини кенгайтиришга, келгусида бажариладиган тадқиқотларга янги йўналишлар очиб бериш нуктаи назаридан муҳимдир.

Дунё лингвистика фанида сўз туркумлари парадигмаси ҳамда алоҳида сўз туркумининг структур-семантик майдондаги ядровий ва перифериал қисмларни тадқиқ этиш тил эволюцияси ҳамда унинг коммуникатив, когнитив, номинатив функцияларини реализация қилиши билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. Шу билан бирга, сўз туркумларида юз берадиган маъновий ва шаклий ўзгаришларнинг лисоний, нутқий хусусиятларини аниқлаш, марказий ва перифериал қисмларнинг шаклланиши ва амалда бўлиш механизмининг етакчи мотивларини белгилаш сўз туркумлари парадигмасида юз берувчи структур-семантик ўзгаришларни тадқиқ этишга кўмаклашади ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги бир тарафдан, ўзбек тили сўз туркумлари парадигмасининг ўзига хос тарафларини, тилимиз мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний табиати ҳамда мақомини, сўз туркумлариаро ўзаро алоқа ва кўчиш ҳодисаларини ўрганиш бўйича жиддий ютуқларга эришди. Шу билан бирга тилимиз сўз туркумлари парадигмасидаги ядровий ва перифериал қисмлар, уларнинг лисоний табиати ва мақоми, марказий ва чекка қисмлар ўртасидаги семантик-структур ва функционал-семантик муносабатларни жаҳон тилшунослигининг илғор усуллари билан тадқиқ этиш зарурати мавжуд. Зеро, шу маънода юртбошимизнинг “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак”<sup>1</sup> деган фикрлари барчамиздан она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга бўлган меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимизни талаб этади. Ҳолбуки, ўзбек тили сўз туркумлари парадигмасини ҳар томонлама пухта ўрганиш, унинг лисоний хусусиятларини систем тилшунослик нуктаи назаридан тадқиқ қилиш муайян назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг ўзбек тилшунослиги учун долзарб эканлигидан далолат беради.

---

<sup>1</sup>uz.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинишининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 571-сон Қарори, 2020 йил 11 мартдаги «Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сон Қароридан ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XX асрнинг 30-90-йилларида, айниқса, Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўзбек тилининг турли сатҳларини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш бўйича катта ишлар қилинди. Жумладан, сўзни грамматик, лексик-семантик ва услубий жиҳатдан ўрганиш бўйича жиддий ютуқларга эришилди. Сўз туркумларини тасниф қилиш, уларнинг асосий морфологик, семантик ва синтактик хусусиятларини очиқ бериш, услубий белгиларини ёритишда А.Фитрат, У.Турсунов, Ф.Камол, А.Кононов, А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиёв, Р.Қўнғуров, М.Миртожиёв, М.Содиқова, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Ғ.Зиқриллаев, Ж.Элтазаров, А.Пардаёв, И.Мадраҳимов, З.Исақов каби олимларимизнинг хизматлари каттадир<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Fitrat. Ўзбек тили қабдалары тоғрусъда бир тағриба. Китэб 1. Сарф. 6-инчи басма. - Сэмэрқанд-Ташкент, 1930; Қажжумий Х., Далимов С. Грамматика. I бolum. Nahv. -Ташкент, 1934; Рамазан Қ., Қажжумий Х. Грамматика. Сарф. Орта мактаблар учун дarsлик. I қисм.-Ташкент:Оқувпеддавнашр, 1937, 42-43, 140-143 бетлар. Усман А., Авизов В. Ўзбек тили грамматикаси. Birinci бolum. Fonetika va morfologija / toluqsiz орта ва орта мактаблар учун дarsлик. -Ташкент: Озоқувпеднашр, 1939; Ғуломов А. Феъл. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. -Тошкент: ЎзФА нашр., 1954; Фузаилов С. Ўзбек тилида равеш. -Тошкент: ЎзФА нашр., 1953; Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош. -Тошкент: ЎзФА нашр., 1953; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. – Тошкент: ЎзФА нашр., 1953; Ҳозирги ўзбек адабий тили/ Ф.Камол таҳрири остида. -Тошкент: ЎзФА нашр., 1957; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. - М.-Л.:Наука, 1960; Низомиддинова С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. Тошкент : ЎзФА нашр., 1963; Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. - Тошкент: Фан, 1965; Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. - Тошкент: Фан, 1966; Қўнғуров Р. Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. I қисм. -Самарқанд, СамДУ,1978; II қисм. - Самарқанд: СамДУ, 1980; Суяров И. Местоимения в

Уларнинг деярли барчаси ўз асарларида сўз туркумлари парадигмасидаги ядро-периферия муносабатлари ва унинг функционал-семантик таҳлили мавзусининг долзарблигини ва уни чуқур ўрганиш зарурияти мавжудлигини таъкидлаб ўтадилар.

**Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилида сўз туркумларининг кўчиши натижасида юзага келувчи ядровий ва перифериал қисмлар, уларнинг лисоний табиати ва мақоми, марказий ва чекка қисмлар ўртасидаги семантик-структур ва функционал-семантик муносабатларини ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилар билан белгиланади:

Моддий ва номоддий борликдаги ядровий ва перифериал қисмлар муаммосини жаҳон ва ўзбек фанида ўрганилиш тарихини ёритиб бериш;

туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тилининг лингвистик табиатига мос сўз туркумлари таснифини бериш;

сўз туркумларининг дифференциацияси, уларнинг кутбланиши, оппозитив, парадигматик ва синтагматик алоқалари ҳамда лексик-семантик муносабатларини текшириш;

муस्ताқил сўз туркумларидаги ядровий ва перифериал қисмлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш;

ёрдамчи сўз туркумларидаги ядровий ва перифериал қисмлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари масаласини ёритиб бериш;

алоҳида сўз туркумларидаги (ундовлар, модал ва тасвирий сўзлар), ядровий ва перифериал қисмлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш;

сўз туркумлари парадигмасидаги ва алоҳида сўз туркумларидаги ядровий ва перифериал қисмларнинг ўзаро диалектик муносабатининг тил таракқиётидаги ўрнини очиб бериш.

---

современном узбекском литературном языке. -АҚД. -Самарқанд, 1965; Ўзбек тили грамматикаси, I, Морфология. -Тошкент: Фан, 1975; Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. -Тошкент: Фан, 1974; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1975; Ҳозирги ўзбек адабий тили, I.-Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Ходжиев А.П. Проблема частей речи в узбекском языкознании // Тюркология - 88: Тез. докл. и сообщений V Всесоюзной тюркологической конференции. - Фрунзе: Илим, 1988; Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларда. -Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Мадраҳимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари. - НДА.-Тошкент, 1994; Элтазаров Ж.Д. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар. – Самарқанд: СамДУ, 1996. – 126 б.; Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тилида сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. -168 б.; Исақов З.Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни. -Кўқон, 2011; Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. –Тошкент: Фан, 2013.

**Тадқиқотнинг объекти** ўзбек тили сўз туркумлари ва ундаги ядровий ва перифериал қисмларни тадқиқ қилган тадқиқотлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни сўз туркумларининг лексик-семантик ва функционал хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда кузатув, таққос, интерпретация, тавсифлаш, қиёслаш, фалсафий-гносеологик, диахрон ва синхрон ёндашув, лингвокультурологик, когнитив, контекстуал, субстанциал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили сўз туркумлари парадигмасида ядровий ва перифериал қисмлар, уларнинг функционал-семантик, функционал-синтактик, лексик-грамматик хусусиятлари аниқланиб, сўз туркумларидаги ядровий ва перифериал қисмлар тушунчаларининг моҳияти асосланган;

сўз туркумларидаги ядро-периферия муносабати категориал-семантик аспектда ядрога - типик, чеккада – гибрид сўзлар, функционал планда эса марказда кўп қўлланувчи, периферияда кам қўлланувчи бирликлар жойлашиши очиқ берилган;

муस्ताқил, ёрдамчи ва алоҳида туркумлардаги ядро ва перифериал қисмлар тилдаги дискретлик ва мунтазамлик, бутунлик ва бўлинувчанлик, сабаб ва оқибат, бирлик ва кўплик, чеклилиқ ва чексизлик, доимийлик ва ўтқинчилиқ, бўшлиқ ва тўлалик, мавжуд бўлиш ва бўлмашлиқ концептларини ифодалашни исботланган;

сўз туркумлари парадигмасига оид ҳар бир туркумдаги мавжуд марказ-қуршов муносабати ва ҳамда ҳар бир қисмнинг ўзига хос функционал-семантик вазифалари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Олиб борилган кузатишларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар сўз туркумларининг шаклланиши ва тараққиётининг муҳим босқичларини аниқлашга, сўз туркумлари парадигмаси ва алоҳида сўз туркумлари даражасидаги ядровий ва перифериал қисмларнинг лингвистик табиати очиқ бериш учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тилшунослиқ назарияси, грамматика, морфология, ҳозирги ўзбек тили каби фанлардан яратиладиган дарслиқ ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

сўз туркумларининг ҳар бириси аъзолари ичидаги ўша туркумнинг асосий семантик, морфологик, синтактик ва ясалиш усулига тўла мос келувчи бирликлар ва шу асосда ядровий ва перифериал қисмларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

сўз туркумлари таркибидаги гибрид қисмлар ҳамда уларнинг функционал-семантик, лексик-семантик хусусиятларини ўрганишда энг ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши далилланган;

ядровий қисмдан периферияга силжиган ва аксинча, перифериядан ядровий қисмга кўчган сўзларнинг функционал-семантик структурасидаги фарқли жиҳатлари асослаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан

олингани, келтирилган таҳлиллар қиёслаш, фалсафий-гносеологик, лингвокультурологик, когнитив, контекстуал, психологик, субстанциал, дискурсив таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек тилидаги сўзларнинг ядровий ва перифериал қисмларини аниқлаш учун назарий манба вазифасини бажариши, морфология, хусусан, сўз туркумлари парадигмаси ва алоҳида сўз туркумлари даражасидаги ядровий ва перифериал қисмларнинг лингвистик табиати очиқ бериши учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши билан белгиланади,

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса тўпланган материаллар сўз туркумларига доир луғатларни тартиб беришда, таълимнинг турли бўғинлари учун ўзбек тилидан дарслик ва қўлланмалар, сўз туркумларининг маъновий гуруҳига оид монографиялар, ўқув қўлланмалар яратишда, олий филологик таълимда “Ҳозирги ўзбек тили”, ихтисослик ва танлов фанларини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тили сўз туркумлари тизимидаги ядро-периферия алоқаларининг функционал-семантик тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сўз туркумлари тизимидаги от, феъл, сифат ва равиш сўз туркумларининг деривацион хусусиятларига доир хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2861-сон маълумотномаси). Натижада тилдаги деривацион ўзгаришларда сўз туркумлари тараққиётидаги диахрон ва синхрон ўзгаришларнинг роли ва ўрни масалаларига ойдинлик киргизилган;

ўзбек тили сўз туркумларидаги сўз туркумлари эволюцияси, марказ ва қуршов хусусидаги хулосалардан А-ФА-2019-9 рақамли “Қадимий ёзма ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Хоразм Маъмун Академиясининг 2020 йил 18 августдаги 87/1-20-сон маълумотномаси). Натижада қўлёзма манбаларда учровчи қадимий сўзларнинг туркумини аниқлаш ва уларни лексик-семантик таснифлашда муҳим самара берган;

сўз туркумларидаги ядро-периферия муносабатларининг тил тараққиётига ўтказадиган таъсирига оид хулосалардан ПЗ-20170930309 рақамли “Қорақалпоқ фольклори тилининг адабий тил ривожига таъсири масаласи” мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2861-сон маълумотномаси). Натижада туркий тиллар сўз туркумларидаги ядро-периферия муносабатлари туфайли юз берадиган

Ўзгаришларнинг фольклор тили ва адабий тил тараққиётига таъсири хусусида тегишли илмий хулосалар чиқарилган;

тадқиқотдаги материал ва хулосалардан Туркия Республикасидаги Фират Университети Гуманитар ва социал фанлар факультетига қарашли “Ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар” кафедрасидаги таълим жараёнида, хусусан: ÇTL 311. Özbek ve Yeni Uygur Türkçesi I (ўзбек ва янги уйғур тили I); ÇTL 312. Özbek ve Yeni Uygur Türkçesi II (ўзбек ва янги уйғур тили II); ÇTL 314. Özbek ve Yeni Uygur Edebiyatı (ўзбек ва янги уйғур адабиёти); ÇTL 212. Türk Dilinin Sözcükçülüğü (туркий тилнинг лексикаси) каби фанларни ўқитишда фойдаланилган (Фират Университети Гуманитар ва социал фанлар факультетига қарашли Ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар кафедрасининг 2020 йил, 19 августдаги маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиш ўзбек тили, ўзбек адабиёти, уйғур тили ва уйғур адабиёти, туркий тиллар морфологияси фанларини ўқитишни яхшилашга ҳамда тегишли мавзуларни талабалар томонидан яхши ўзлаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, шулардан 5 таси Республика илмий-амалий анжуманлар, 7 таси хорижий халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан чоп этилган 20 та илмий мақола (уларнинг 2 таси хорижий журналларда, 3 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тасарруф этган илмий журналларда) ва тезисларда ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 177 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Тилнинг турли сатҳларидаги ядро ва периферия муносабатлари” деб номланиб, тилнинг фонетик, лексик ва морфемик сатҳларларидаги ядро-периферия алоқалари баён қилинган.

Бобнинг илк фаслида тил сатҳидаги сўз (лексема) ва нутқ сатҳидаги сўз ўзаро диалектик алоқада ва коммуникатив воситанинг ҳар икки майдонида (сатҳида) нисбатан мустақил ҳолда амалда бўлувчи бирликлари эканлиги таъкидланади.

Сўз гуруҳлари – туркумларининг тарихий–генеологик, тафаккурий ва иерархияли ўзаро алоқасини, уларнинг ядровий ва перифериал қисмлари масалаларини, табиийки, тил сатҳида асосли ва барқарор текшириб бўлади. Нутқ сатҳида эса сўзнинг маъно жилолари, нутқий – ситуатив хусусиятлари амалда бўлади; мазкур ҳолда туркумлараро алоқани ҳолисона текшириш мушкул. Шу сабабли нутқ сатҳида сўз туркумларининг кўчиши ҳодисасинигина кузатиш самара беради.

Сўз туркумлари парадигмаси ва алоҳида олинган бир сўз туркуми таркибида доимий равишда ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир мавжуд бўлади ва уларнинг энг муҳимларидан бири ядровий ва перифериал қисмларнинг ўзаро алоқаси эканлиги каби жиҳатлар асосланади.

Бобнинг иккинчи бўлими “Атомистик таълимотнинг моҳияти ва тилдаги ядро-периферия муносабатларига доир” деб номланади ва унда моддий ва идеал дунёдаги объектлар, тушунчалар ва тасаввурларнинг барчаси «ядро» (марказ) ва «периферия» (чекка) қисмлардан иборат эканлиги ва ҳар қандай субстантнинг ядро ва периферия қисмлари ўртасида доимий ва кўп томонлама алоқалар мавжудлиги текширилади<sup>3</sup>.

Тилшуносликда тил бирликлари ва сатҳларида марказий ва қуйи, чекка қисмлар мавжудлиги ҳақидаги қарашларнинг шаклланишига табиий фанлар, жумладан, кимё ва физикадаги мавжуд атомистик таълимот туртки бўлган эди. Атомистик таълимотнинг илдизи қадимги Юнонистон тамаддунига бориб такалса-да, бу хусусдаги қарашларнинг ривожига Туркистондан чиққан буюк мутафаккирлар Фаробий, ибн Сино, Берунийлар катта ҳисса кўшдилар<sup>4</sup>.

Ядро ва периферия икки ўзаро боғлиқ тушунча бўлиб, улар зотга хос бўлган сифатларни ифодалаш нуқтаи назаридан фарқланади, яъни ядро зотнинг асосий хусусиятларини ифодалайди ва у кўпсонлидир, периферия эса зотнинг кам сонли белгиларини ифодалайди. Бу ҳол аслида материянинг мавжуд бўлишининг диалектикасидир, чунки материя бир хил хусусиятларга эга бўлмаган ва бир-бири билан чамбарчас боғланган қисмлардан иборат бўлганидагина у ҳукм суради ва яшаб қолади. Тилнинг барча сатҳларидаги бирликларда ҳам бир хил хусусиятларга эга бўлмаган ва бир-бири билан чамбарчас боғланган қисмлар мавжуддир.

Учинчи қисм “Тилнинг турли сатҳларида «ядро-периферия» муносабатларининг намоён бўлиши” масаласига бағишланган. Тилшуносликда тил бирликларининг табиати ва тузилиши ҳақидаги эмпирик билимлар ва материаллар тўплана борган сари, лингвистлар тил ҳақидаги билимларни тартибга солишга унинг таркибидаги бирликлар ўртасида номутаносибликнинг мавжудлиги халақит бераётганини ҳис қила бошлади. Жумладан, 1980-йилларда М.Мамудян тилнинг ҳар бир сатҳида ва унсурида собит ядро ва вариантларга эга периферия мавжудлиги хусусидаги фаразни

<sup>3</sup> Wallerstein, Immanuel (2004). World-systems Analysis. In World System History, ed. George Modelski, in Encyclopedia of Life Support Systems (EOLSS), Developed under the Auspices of the UNESCO, Eolss Publishers, Oxford, UK >[http://www.praxisphilosophie.de/wallerstein\\_wsanalysis.pdf](http://www.praxisphilosophie.de/wallerstein_wsanalysis.pdf) (August, 2016)

<sup>4</sup> Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Тошкент: Шарқ, 2001, 108-б.

илгари сурди. Олимнинг фикрича, тил бирликларидаги ядро ва периферия нисбатан олинган чегараларга эга ҳамда перифериянинг мавжудлиги ва унинг ядро билан ўзаро алоқалари туфайли тилнинг амал қилиниши юз беради. Шу каби тил бирлигида ядро-периферия қисмларининг мавжудлиги уларнинг функционал-семантик вазифаси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади, ана шу ҳолат туфайли тилнинг турли лисоний мулоқот шарт-шароитларига мослашиши, кўп функциялилиги таъминланади, буларнинг барчаси лисоний белгининг асосий контурларини йўқотмаслиги шароитида юз беради. Айни шу хусусиятлар тил бирликларининг структурал-функционал яхлитлигини таъминалб беради<sup>5</sup>.

Фонетик сатҳда ядро-периферия муносабати дифтонгларда намоён бўлиши кўпроқ кузатиладиган. Дифтонг эса икки унсурдан: кучли ва баланд талаффуз этиладиган ядро ҳамда кучсиз ва пастроқ оҳангда талаффуз этиладиган перифериядан иборат.

Бўғинлардаги ядро-периферия муносабати бўғинни ташкил этувчи унли ва ундош муносабатларига таянади. Бўғинларда ядро сифатида уни ташкил этувчи унли товуш намоён бўлса, периферия ундош товуш(лар)дан иборат бўлади<sup>6</sup>. Бундай таъриф, албатта, бир унлидан иборат бўғинлар учун эмас. Ҳозирги ўзбек тилидаги CV, VC, CVC, CVCC типидagi бўғинларда бир, икки ва уч дона ундош перифериал унсур сифатида мавжуд бўлади.

Лексика сатҳидаги унсурларнинг ядро-периферия муносабати бироз мураккаб, аммо ҳар қандай тилдаги ҳозирги пайтда фаол бўлган сўзлар қатламини, неологизмларни, адабий тилнинг лексик бойлигини тилнинг лексикаси ядросида туради деб ҳисоблаш мумкин. Периферияда эса эскирган, тарихий сўзлар ҳамда диалектизмлар, бошқа тиллардан олинган ва маъноси кенг оммага яхши таниш бўлмаган сўзлар туриши маълум. Морфемика сатҳида ҳам ўзбек тилининг типик агглютинатив-аналитик тил эканлигини ҳамда морфема тил системасида, "морфема функционал-парадигматик системада" таъминлиги таянган ҳолда морфемик бирликларнинг ядровий ва перифериал қисмлари: 1) ўзак ва кўшимчаларни ва перифериал қисмларини; 2) кўшимчаларга маъно-вазифа жиҳатидан тенг келувчи бирликлар: от ва феълдаги кўмакчилар, тўлиқсиз феъллар, аффикс-юктамалар, сифат ва равишдаги *энг*, *жуда* типидagi формалар; *қил*, *эт*, *айла*, *бўл*; *де* феъл формалари, аффиксоидлар; 3) туб "ўзак сўзлар"; 4) ноль морфемалар; 5) "хамелеон" морфемалар: *чой-пой*, *нон-пон*, *мева-чева* типидagi такрорларда иккинчи қисмларни киритиш мумкин<sup>7</sup>.

Семасиологияда ҳам семаларнинг структурасида ядро ва периферияларни ажратиш кузатилади. Маълум бир сўз семаси доирасида ядровий қисмга оид маъно парчаларини асосий, доимий, очик-равшан ифодаловчи семалар ифодалайди, перифериал семалар эса семеманинг

<sup>5</sup>Мамудян, М. Лингвистика. - М. : Прогресс, 1985, С.149

<sup>6</sup>Язык: Фонетика и фонология > Langust Agency. [http://www.langust.ru/review/lang\\_h04.shtml#ixzz4B dEjvSzt](http://www.langust.ru/review/lang_h04.shtml#ixzz4B dEjvSzt) (May, 2016).

<sup>7</sup> Мирзакулов Т. Ў. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол. фан. докт. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. -Тошкент, 1994. 18-19 б.

асосий бўлмаган, эҳтимолий маъно ташувчи, собит бўлмаган, маъноси кучсиз семалар ташкил этади. Ядровий семалар тилнинг лексик сатҳида лексемаларнинг гуруҳланиши учун асос бўлади, айнан уларнинг хусусиятларига кўра тилда синонимик қаторлар, антонимик жуфтликлар, сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари (сўз туркумлари ҳам бундан холи эмас) ва мавзуй гуруҳлари шаклланади.

Перифериал семалар эса предметнинг унча муҳим ва доимий бўлмаган белгиларини ифодалайди. Масалан “эркак” сўзининг перифериал семалари бўлиб “кучли”, “мард”, “бўйи баланд”, “чўрткесар”, “кўркмас” каби семалар бўлиши мумкин. Асосий маънони тавсифловчи хусусият билан семемага боғланган бу сўзларни фақат нутқий жараёнда бир муносабат орқали фақат аниқловчи ёки изоҳловчи вазифасида келгандагина маъноси реаллашиши перифериал семанинг табиатини яққол ифодалайди. Улар нутқда образлилик, экспрессивлик, кўчма маъно каби ҳолларнинг вужудга келишига кўмаклашади, сўзнинг номинатив функциясининг кенгайишига олиб келади<sup>8</sup>. Ана шу хусусиятларни билвосита ифодалаганлари учун улар асос семадан маъно жиҳатидан тобора узоклашиб боравериши кузатилади.

(1-чизма)



Умуман олганда, ушбу қисмда тил тизимининг барча сатҳларида ядро ва перифериал қисмларнинг мавжудлигини кузатишимиз мумкин, бу эса дунёдаги бошқа моддий ва идеал тизимлар каби семиотик тизим бўлмиш тилда ҳам мутлақо ядро ва перифериянинг планетар моделига ўхшаш тузилиш модели мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бобнинг тўртинчи бўлими “Сўз туркумларидаги ядро ва перифериал қисмлари ҳамда уларни шакллантирувчи асослар”ни ўрганишга бағишланган. Сўз туркумларининг табиатини тушуниш, уларнинг ҳар бирининг ҳад-худуд ва чегараларини фарқлаш учун уларда грамматик-лексик ядро ҳамда периферия қисмларга ажратиш лозим бўлади. В.Матезиус

<sup>8</sup> Попова З.Д. , Стернин И.А. Лексическая система языка (внутренняя организация, категориальный аппарат и приемы описания). Учебное пособие. Изд. 3, стереотипное, М.: URSS, Книжный дом «Либроком», 2011. -с. 64-70.

ўз вақтида ўринли қайд этганидек, “тилда шаклдан ташқарида функция, функция эса шаклсиз мавжуд бўла олмайди... шакл ва функция маълум бир ходисанинг тез-тез кесишиб турадиган икки тарафидир”<sup>9</sup>.

Сўз туркумлари эса тилнинг лексема даражасидаги ядро ва перифериядан иборат махсус тузилмаси бўлиб, марказда туркумни шакллантирадиган лексик-семантик кучли белгиларни ўзида ташиган элементларнинг тўпланиши, чекка қисмларда эса бу белгиларнинг озайиши ва кучсизланишини кузатиш мумкин. Ядро-периферия муносабати структур, семантик ва функционал аспектларда намоён бўлади. Структур аспектдаги ядро-периферия муносабатлари сўз яшаш ва сўз бирикмаларни шакллантиришнинг асосий ва перифериал усуллари ва қолиплар; категориал-семантик аспектда эса ядрога - типик, чеккада оралиқ шакл ва мазмунлар; функционал планда эса марказда - кўп қўлланувчи, периферияда – кам қўлланувчи шакллар тушунилади<sup>10</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби “Сўз туркумлари парадигмасидаги «ядро-периферия» алоқалари” тавсифига бағишланган. Бобнинг биринчи фасли “Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқаларнинг намоён бўлиш шакллари ва мазмун-моҳияти” тарзида номланиб, унда сўз туркумлари парадигмасининг ўзаро алоқалари ва тараққиёти, сўз туркумларининг онг ва тафаккур шакллари билан алоқаси асосли манбалар, чизмалар ва жадваллар орқали очиб беришга ҳаракат қилинади. Шунингдек кейинги қисмлар “От ва феъл сўз туркумлари парадигмасининг асосий (ядровий) компонентлари сифатида”, “Сўз туркумлари парадигмасидаги тасвирий сўзлар масаласи”, “Сифат, равиш, сон ва олмошнинг ядро ва периферия муносабатларидаги ўрни”, “Ёрдамчи ва алоҳида сўз туркумларининг лингвосферадаги мақоми” каби номланиб, бу фаслларда ҳозирги ўзбек тилидаги сўз туркумлари бугунги кунда тил ва нутқдаги фаоллиги ва тутган ўрнига кўра марказда от, феъл ва уларга туташ позицияда тасвирий сўзлар; ундан кейинги соҳада сифат, сон, равиш; ундан кейинги соҳада олмош, кейинги соҳада кўмакчи, боғловчи, юклама, ундан кейинги соҳани ундовлар ва модал сўзлар шаклидаги лингвосферадан иборат эканлиги асосланган. Бу фикрни тафсилотлари билан ифодаласак: Сўз туркумлари парадигмаси таркибидаги сўз туркумлари, маълумки, лингвистик табиатига ва функционал хусусиятларига кўра бир хил эмас. Онтогенетик қиймати, сўз туркумлари тадрижи ва лисоний маънони нутққа трансформация қилинишида тутган ўрнига кўра ҳам уларни бир хил баҳолаб бўлмайди. Шу каби сўз туркумлари парадигмаси аъзолари ичидан ядровий туркумларни ажратиб олишда энг кучли семантик, синтактик позицияларга эга бўлган сўз туркумларини – от ва феълни назарда тутиш керак бўлади. Чунки бу сўз туркумлари туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида уларнинг семантикаси ва морфологик, синтактик ҳамда ясалишга кўра белгилари аниқ ва равшан ва тўқис ифодаланган; шунингдек, исм ва феъл энг асосий нутқий компонентлар

<sup>9</sup>Матезиус, В. Пражский лингвистический кружок. -М. : Прогресс, 1967. С.201.

<sup>10</sup>Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. - М.: Добросвет, 2000. -С. 26.

сифатида ҳам намоён бўлади; бошқа сўз туркумлари, табиийки, сўз туркумлари парадигмаси ичида ва умуман, лисоний ва нутқий муносабатларда ҳам исм ва феъл каби мавқега эга эмас ва шунинг учун улар периферияда ўрнашади; перифериядаги жойлашиш ҳам бир текис эмас, чунки, исм-феълга хос бўлган баъзи белгилари эга бўлмаган тасвирий сўзлар ядро соҳасидан кейинги биринчи доирага, сифат, сон, олмош - иккинчи доирага, ёрдамчи сўз туркумлари ҳамда ундов ва модал сўзлар ундан кейинги доираларга жойлашадилар. Бу жойлашув мустақил категориал маъно, ясаиш усул ва қолиплари; морфологик белгилар: турланиш тусланиш; синтактик вазифа қай даражада мавжудлигига қараб амалга ошади ва ўзбек тили сўз туркумлари лингвосферасини ташкил этади (*чизмага қаранг*):



Ядро ва перифериал сўз туркумлари орасидаги муносабатлар шакллари, бизнингча, қуйидагича: марказнинг чекка соҳаларга узлуксиз таъсири гапни шакллантирувчи асос компонентлар сифатида исм ва феъл перифериал birlikларнинг мавжудиятини таъминлаб беради, перифериал birlikлар эса исм ва феълдан ўзларига мос келувчи специфик семантик компонент ва ҳамда фонетик-акустик структура олади; бунинг эвазига исм-феъл жуфтлигига нутқий фаолиятда «ёрдамга келади» ва аксинча. Шу сабабли ядро-периферия алоқаларининг бу турини сўз туркумлариаро тарихий-генеологик алоқаларни, диахрон пландаги кўчишни, грамматикализация ва лексикализация ҳолларини ифодалайди, дейиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби “**Муайян туркум ичидаги ядро-периферия муносабатлари**” деб номланган. Ушбу боб “Сўз туркумлари парадигмаси аъзоларининг ҳар бирисида асосий ва иккинчи даражали

бирликларнинг мавжудлиги”, “Отлардаги ядро ва периферия муносабатлари”, “Феъллардаги ядро ва периферия муносабатлари”, “Тасвирий сўзлар (тасвирий отлар, тасвирий феъллар, тасвирий сифат ва равишлар)даги ядро ва периферия муносабатлари”, “Сифат ва равишлардаги ядро ва периферия муносабатлари”, “Сонлардаги ядро ва периферия муносабатлари”, “Олмошлардаги ядро ва периферия муносабатлари”, “Ёрдамчи сўз туркумларидаги ядро ва периферия муносабатлари” ва “Ундовлар ва модал сўзлардаги ядро ва периферия муносабатлари” каби саккиз фаслдан иборат бўлиб, бу қисмларда ўзбек тилидаги ҳар бир сўз туркумининг ядро-перифериал жиҳатлари асосланади.

Ўзбек тили сўз туркумлари таркибидаги ядровий ва перифериал соҳаларнинг тадқиқ этиш масаласи ҳозирга қадар тилшунослигимизда бу масалага қандай ёндашилгани ва сўз туркумлари тўғрисидаги билим ва тасаввурларимиз қандай шакллангани билан бевосита боғлиқ. Зеро, сўз туркумлари хусусидаги тасаввурларнинг озлиги ёки кўплиги, тўлақонлилиги ёки камчилиги бу хусусда хулоса чиқаришда муҳим ўрин тутди. Файласуфларнинг ўринли ибораси билан айтганда, “нарс ҳақидаги тасаввурларнинг кўп ёки озлиги, тўлаллиги ва мукамаллиги ёхуд бунинг акси у ҳақидаги хулосалар чиқариш жараёнининг асосида туради”<sup>11</sup>.

Сўз туркумлари ядроси деганда ушбу туркумнинг барча таснифий белгиларини (жумладан, семантик, функционал...) ўзида жамлаган сўзлар тушунилади. Периферияни эса сўз туркумига хос бўлган таснифий белгиларнинг бири мавжуд бўлмаган ёки ўша белги бошқача аҳамият касб этган сўзлар ташкил этади. Сўз туркумларининг ҳар бириси аъзолари ичидаги ўша туркумнинг типик семантик, морфологик, синтактик ва ясаиш усулига тўла мос келувчи бирликлар ўша сўз туркумининг ядросини ташкил этади, бу белгилардан баъзилари (кўпинча биттаси) нейтраллашган ёки йўқолган бирликлар эса перифериядан ўрин эгаллайди. Сўз туркумлари парадигмаси ҳамда алоҳида олинган туркумлар лисоний тизим ичидаги лексик-семантик майдон эканлиги эса, майдоннинг марказий ва перифериал қисмидан жой олган бирликлар ва тузилмалар мавжудлигини тақозо қилади. Ҳар қандай майдон эса бир-бирига зид ва айна пайтда бир-бирининг мавжудлигини тақозо қиладиган, уни майдоннинг маълум бир соҳасида “ушлаб турадиган” соҳалардан иборат бўлади. Сўз туркумларининг ядровий ва перифериал соҳалари ана шундай микромайдонлардир.

Ядро-периферия муносабати структур, семантик ва функционал аспектларда намоён бўлади. Структур аспектдаги ядро-периферия муносабатлари сўз ясаш ва сўз бирикмаларини шакллантиришнинг асосий ва перифериал усуллари ва қолиплар; категориал-семантик аспектда эса ядро - типик, чеккада оралиқ шакл ва мазмунлар; функционал планда эса марказда - кўп қўлланувчи, периферияда – кам қўлланувчи шакллар тушунилади.

---

<sup>11</sup>Floridi, Luciano. Semantic Conceptions of Information. In Zalta, Edward N. (ed.). The Stanford Encyclopedia of Philosophy (Winter 2005 ed.). Metaphysics Research Lab, Stanford University, 2005 - <https://plato.stanford.edu/entries/information-semantic/> (январь, 2019)

Перифериядаги сўзларнинг маълум бир қисми сўз туркумининг бир неча туркумларга хос белгиларни намоён қилувчи гибрид сўзлар қатламини ташкил қилади. Ҳар бир сўз туркумида кўчувчан қатлам мавжуд ва унга оид сўзлар нутқда кўпроқ кўчишга учрайди. Бундай сўзларнинг миқдори, табиийки, сўз туркумларининг ядро қисмига доир сўзлар миқдоридан анча оз. Чунки, сўз туркумларининг асосий таснифий белгиларини ташувчи сўзлар ана шу хусусият тўла акс этмаган сўзлар миқдоридан кўп бўлмаса, бу сўз туркумларининг мавжудияти хавф остида қолиши мумкин.

<i>Сўз туркуми</i>	<i>Ядро қисми</i>	<i>Периферия қисми</i>
От	Аниқ отлар, туб отлар	Мавҳум отлар, ясама отлар
Феъл	Мустақил феъллар. Тусланувчи феъллар.	Кўмакчи феъллар. Феълнинг вазифавий шакллари.
Сифат	Аслий сифатлар. Туб сифатлар.	Нисбий сифатлар. Ясама сифатлар.
